

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**9.2020**

**научно-методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2020**

**“ILM SARCHASHMALARI” ilmiy-metodik jurnal**

---

Bosh muharrirdotsent Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV

<b>TAHRIR HAY’ATI:</b>	
<b>JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN</b>	<b>ABDULLAYEV Bahrom</b> , fizika-matematika fanlari doktori, <b>ABDULLAYEV Ikrom</b> , biologiya fanlari doktori, professor, <b>ABDULLAYEV Ilyos</b> , iqtisod fanlari doktori, <b>ABDULLAYEV Ravshanbek</b> , tibbiyot fanlari doktori, professor, <b>ABDULLAYEV O’tkir</b> , tarix fanlari doktori, <b>ANNAMURATOVA Svetlana</b> , pedagogika fanlari doktori, professor, <b>BOBOJONOV Bozorboy</b> , fizika-matematika fanlari doktori, <b>BERDIMUROTOVA Alima</b> , falsafa fanlari doktori, professor, <b>DAVLETOV Sanjarbek</b> , tarix fanlari doktori, <b>DO’SCHONOV Tangribergan</b> , iqtisod fanlari doktori, professor, <b>HAJIYEVA Maqsuda</b> , falsafa fanlari doktori, <b>IBRAGIMOV Zafar</b> , fizika-matematika fanlari nomzodi, <b>IMOMQULOV Sevdiyor</b> , fizika-matematika fanlari doktori, <b>JO’RAYEV Mamatqul</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>JUMANIYAZOV Maqsud</b> , texnika fanlari doktori, professor, <b>JUMANIYOZOV Otoboy</b> , filologiya fanlari nomzodi, professor, <b>KALANDAROV Aybek</b> , filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas’ul kotib), <b>NAVRUZOV Qurolboy</b> , fizika-matematika fanlari doktori, professor, <b>OLLAMOV Yarash</b> , yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, <b>OTAMURODOV Sa’dulla</b> , falsafa fanlari doktori, professor, <b>PRIMOV Azamat</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, <b>QUTLIYEV Uchqun</b> , fizika-matematika fanlari doktori, professor, <b>RO’ZIMBOYEV Safarboy</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>RO’ZIYEV Erkinboy</b> , pedagogika fanlari doktori, professor, <b>SADULLAYEV Azimboy</b> , fizika-matematika fanlari doktori, akademik, <b>SADULLAYEVA Nilufar Azimovna</b> , filologiya fanlari doktori, <b>SAGDULLAYEV Anatoliy</b> , tarix fanlari doktori, professor, <b>SALAYEV San’atbek</b> , iqtisod fanlari doktori, professor, <b>SALAYEVA Muxabbat Soburovna</b> , pedagogika fanlari doktori, <b>SATIPOV G‘oipnazar</b> , qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, <b>XODJANIYOZOV Sardor</b> , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rnibosari), <b>YOQUBOV Jamoliddin</b> , filologiya fanlari doktori, professor, <b>O’ROZBOYEV Abdulla</b> , filologiya fanlari doktori, <b>O’ROZBOYEV G‘ayrat</b> , fizika-matematika fanlari doktori, <b>G‘AYIPOV Dilshod</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent.
<b>JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI</b>  <b>2020 9(159)</b>	

**MUASSIS:** Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi Xorazm viloyat boshqarmasida 2011-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tgan. Guvohnoma №13-020.

## MUNDARIJA

### MATEMATIKA

<b>Yaxshimuratov Alisher, Xusainov Islom, Qurbandurdiyev Shahzod.</b> Chegaraviy shartlari spektral parametrga ratsional bog'liq bo'lgan Shturm-Liuvill masalasi uchun izlar formulasi.....	3
---	---

### QISHLOQ XO'JALIGI

<b>Дурдиев Камил, Курамбоеv Шерзод Рахимберганович, Ражабов Азамат Рахимович.</b> Бир мавсумда бир туп оқ (Балхи) тут дарахтидан оддий ва самарали усулда йиғиштириб олинган мева микдорини аниқлаш.....	10
--	----

### FALSAFA

<b>Иброҳимов Фарҳоджон Анваржон ўғли, Мансуров Улугбек Жумаевич.</b> Постиндусриал жамият шароитида инсоннинг бегоналашиши муаммоси.....	14
<b>Бўриев Мансур Рахматуллаевич.</b> Ўзбекистонда модернизациялаш шароитида миллий менталитетда кечаётган трансформацион жараёнларда миллий тарбиянинг ўрни.....	17
<b>Маматқулов Рустам Убайдуллаевич.</b> Манфаатлар мувозанати – ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳамкорликнинг муҳим шарти.....	19
<b>Хамрақулов Зафаржон Йигиталиевич.</b> Халқ фаровонлигини юксалтиришга инвестиция сиёсатининг таъсири.....	21
<b>Негматова Диловар Исокҷоновна.</b> Ўзбекистоннинг миллатлараро сиёсатини амалга ошириш механизmlари.....	25

### TILSHUNOSLIK

<b>Рахматжонова Камола.</b> Ҳиндий ва ўзбек тилларида отга хос грамматик категорияларнинг таснифи.....	28
<b>Хидиров Отабек.</b> Синтактик разметкаланган корпуслар ва уларнинг дастурий таъминоти борасида айрим мулоҳазалар.....	32
<b>Ҳанткулов Захриддин Ҳазратқл ўғли.</b> Амалий тилшуносликнинг назарий ва методологик асослари.....	35
<b>Сулайманова Нилуфар Жаббаровна.</b> Тилшуносликда дейксис ҳодисасининг лисоний моҳияти.....	40
<b>Jumatov Rashid Yangibaevich.</b> Analysis of Turkic Borrowings From the Semantic Fields of Food and Drink in English.....	44

### ADABIYOTSHUNOSLIK

<b>Жўраев Камолиддин.</b> Янги топилган "Лайли ва Мажнун" достони ҳақида.....	47
<b>Рахимов Ҳуррам.</b> Ўзбек сеҳрли эртаклари типологик каталогини яратиш тажрибасидан.....	51
<b>Хо'jayev Tohir.</b> Navoiy devonlarida Husayn Boyqaro haqidagi mulohazalar talqini.....	56
<b>Очилов Насим.</b> Эпик кўйчи ва унинг мифопоэтик талқини.....	60
<b>Аллаёрова Нилуфар Яхшиниоровна.</b> Алишер Навоий ва Сўфи Оллоҳёр.....	64

### JURNALISTIKA

<b>Каримов Амрулло Ашуроевич.</b> Замонавий тележурналистикада рекреатив форматларнинг оммалашуви.....	69
--	----

### PEDAGOGIKA

<b>Турсунов Раҳмонали Бозорбой ўғли.</b> Олий таълим муассасаларида педагогик технологияларни такомиллаштириш зарурати.....	72
<b>Холиёров Бунёд Ҳусанович.</b> Мустақил таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишида ООOK (оммавий онлайн очиқ курслар)лардан фойдаланиш.....	74
<b>Тургунбаев Рискелди Мусаматович, Бакиров Тўлқинжон Юнусалиевич.</b> Бўлгуси математика ўқитувчиларида интеграллашган билимларини шакллантиришда бинар ўқув лойиҳалардан фойдаланиш.....	77

<b>Qodirova Xalimaxon Nurmuhammad qizi.</b> Diagnostik madaniyat – bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi ning kasbiy komponenti sifatida.....	84
<b>Бекмирзаев Мавлон Худаёрович.</b> Ўзбекистонда биологик таълимнинг методологик асослари.....	86
<b>Ermanov Davron Raxmataliyevich.</b> Ikkinchisi va xorijiy tilni o‘rganishda miya faoliyoti va tuzilishidagi o‘zgarishlar.....	89
<b>Умаров Абдулсаттор, Юлчиев Ифтихоржон Исақович, Зохидов Иброҳимжон Обиджонович.</b> 8-синф физика курсининг “Электр қаршилик” мавзусини ўқитиши.....	95
<b>Rakhmonov Azizkhon Bositkhonovich.</b> Personal-oriented Approach in Training Future Teachers of the Russian Language.....	98
<b>Astranova Mohigul Musaboyevna, Boqiyeva Mavjuda Shokirovna.</b> Efficiency of Using Vocabulary Games in Teaching Foreign Languages.....	101

## ILMIY AXBOROT

<b>Юлдашева Дилноза Бекмуродовна.</b> Ўзбек тилшунослиги фани тараққиётида олима аёлларнинг туттган ўрнига доир.....	104
<b>Usmonov Aslam, Usmonova Umida.</b> Vazifadosh bog‘lovchilarning funksional xususiyatlari.....	109
<b>Бобоҷонов Шарифбой Ҳудошукирович.</b> “Тўғри” лексемасининг семемалари ва унинг изоҳи хусусида.....	112
<b>Ҳасанова Дилфузা.</b> Шахс социал белгиларини ифодаловчи нолисоний воситалар.....	115
<b>Қўшоқова Барноҳон Йўлдошевна.</b> Мақоллар – исломий религионим сифатида.....	118
<b>Turdimurodov Sirojiddin Eshqobilovich.</b> Evfemizmlardan unumli foydalanishning ahamiyatlari.....	120
<b>Ғофурова Мавлудаҳон Ботиржон қизи.</b> Варваризмларнинг ўзга тилларга кириб келишинининг лингвокультурологик шарт-шароитлари.....	123
<b>Bekiyeva Malika Jamoldin qizi.</b> “Alp er To‘nga” asarida zoonimik komponentli iboralarning ishlatalishi.....	126
<b>Шодмонова Сайёра Бахрамовна.</b> «Бобурнома»да ўлчов бирликларининг лингвокультурологик хусусиятлари ва уларнинг таржимада акс этиш масаласи.....	129
<b>Эсанов Алижон Менгбаевич.</b> Ўзбек болалар тақвим поэзиясида “Ё, рамазон” кўшикларининг локал хусусиятлари.....	132
<b>Saidova Muxayyo Umedilloyevna.</b> M.H.Abramsning “Adabiyotshunoslik terminlari glossariysi” lug‘atidagi adabiyotshunoslik terminlarining mavzuiy guruhlari.....	136
<b>Тошболтаева Тоҳихон.</b> “Амири фалак“ таърифида.....	139
<b>Пайзуллаева Раъно Махмудовна.</b> Достонда бадиий тафakkur жилолари.....	142
<b>Абдуллаева Мухтасар Абдулла қизи.</b> Умуминсоний қадриятларга хос идиомаларнинг таржимада берилиши (ўзбек тилидан инглиз тилига).....	146
<b>Жўраев Жамолиддин.</b> Қадимий асарларда хат ёзиш қоидалари.....	150
<b>Ибрагимов Хайрулла Ҳамдамович.</b> Тўра Сулаймон ижодининг поэтик юксалишида ҳалқ мақолларининг ўрни.....	153
<b>Mamiraliyev Quvonchbek Qurvonboy o‘g‘li.</b> Hamid Olimjon va Oybek she’rlarida vatan obrazi.....	155
<b>Zaripova Dilfuza Baxtiyorovna.</b> Didaktik asarlarning qiyosiy tahlili.....	157
<b>Худайберганова Наргиса Курбонбаева.</b> Таълим-тарбия орқали соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муаммоси.....	160
<b>Комолова Шахнозаҳон Адҳамовна, Зулхонов Мустафо Жўраевич.</b> Сўз танлашда луғатларнинг ахамияти.....	163
<b>Умарова Навбаҳор Шокировна.</b> Иқтисодий ижтимоийлашви жараёнида болаларнинг пулни идрок қилиши.....	165
<b>Аҳметжанова Муқаддас Ваҳбовна.</b> Театр санъатининг бадиий-эстетик моҳияти.....	168
<b>Юлдашева Дилором Юлдашевна.</b> Ўзбекистонда тиббий туризмнинг ривожланиш омиллари.....	171
<b>Гаппарова Дилора Азимбаевна.</b> Особенности перевода медицинских терминов.....	175
<b>Буранова Жамила Алиевна.</b> Мифологизм в узбекской литературе (на примере романа Амана Мухтара “Тысячеликие”).....	177
<b>Alimova Kamola Tursunovna.</b> Peculiarities of the English Idioms and Difficulties in the Process of Their Translation.....	181
<b>Khakimova Munira Khabibullaevna.</b> The Relevance of Intercultural Communication in Modern Conditions.....	183

<b>Khodjaqulova Nargiza Khosiyatkulovna.</b> Educational Strategies of Business Letters.....	185
<b>Nodira Umarova Ikromovna.</b> Motherhood and its Sociolinguistic Features in Modern Society (Замонавий жамиятда оналик тушунчаси ва унинг социолингвистик хусусиятлари).....	189
<b>Alautdinova Kamola Shomansurovna.</b> Toward a Sophistic Definition of Business Rhetoric.....	193
<b>Bobokalonov Odilshoh.</b> Les phytophraséologismes ou phytophrasèmes.....	197

#### **FANIMIZ ZAHMATKASHLARI**

<b>Бахром Абдуллаев.</b> Таниқли олим, профессор Бахтияр Рузметов фаолиятига чизгилар.....	202
--	-----

---

#### **MUALLIFLARGA ESLATMA**

1. Maqola Times New Roman shriftida yozilishi lozim. Shrift hajmi – 14, qator oralig‘i – 1,5, hoshiya chapda 3 sm., yuqori va pastda 2,5 sm., o‘ngda 1,5 sm. bo‘lishi kerak.
2. Har bir maqlolada o‘zbek, rus va ingliz tillarida annotatsiya, kalit so‘zlar bo‘lishi shart.
3. Maqlolada muallif(lar)ning ism-familiya va otasining ismi to‘liq yozilishi, muallif ilmiy unvoni va darajasi, telefon raqami, e-maili sarlavhadan oldin ko‘rsatilgan bo‘lishi lozim.
4. Maqola tahrir hay’ati a’zosi taqrizi, kafedra ilmiy seminari tavsiyasi va ekspertlar xulosasi bilan qabul qilinadi. Taqriz hamda ekspert xulosasi elektron shaklda ham qabul qilinadi. Bunda taqriz va ekspert xulosasi faqat kompyuterda rangli skanyer qilingan bo‘lishi kerak.
5. Har bir maqlolada muammoning qo‘yilishi, materialning nazariy-metodologik va uslubiy jihatdan puxtaligi, manbalarning ishonchligi, muammo, xulosa, taklif va tavsiyalarning asos-liligiga e’tibor berilishi kerak.
6. Maqlolada foydalanilgan asosiy adabiyotlar ro‘yxati keltirilishi lozim.
7. Maqlolar hajmi kamida 0,25 bosma tabaqdan (40000 belgi, probellar bilan bir bosma tabaq hisoblanadi) iborat bo‘lishi kerak.
8. Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar mualliflarga qaytarilmaydi.
9. Tahririyat maqlolani qisqartirish va tahrir qilish huquqiga ega.
10. Mualliflar jurnalda e’lon qilinadigan maqlolalari uchun Urganch davlat universitetining rivojlantirish jamg‘armasining telegrammda ko‘rsatilgan hisob raqamiga pul o’tkazishlari mumkin. Jurnalning 1 sahifasi 30000 so‘m.

**Urganch davlat universiteti**

**Manzili: H. Olimjon ko‘chasi, 14-uy.**

**Tel: (0362) 224-66-01; e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz**

**Sh/hr: 4001 1086 0334 0179 5010 0079 001**

**INN: 201651846 OKONX: 92110**

**Moliya vazirligi g‘aznachiligi**

**h/r: 2340 2000 3001 0000 1010**

**Bank: Markaziy bank Toshkent shahar Bosh boshqarmasi XKKM**

**INN: 201122919 MFO: 00014**

**To‘lov maqsadi – “Ilm sarchashmalari” jurnaliga maqola uchun**

зини аслиятдагидек қолдиришга ҳаркат қиласы. Аммо китобхонга тушунарлы бўлиши учун таржимасини кўрсатиб ўтади. Шубҳасиз айтиш мумкинки, А.Бевериж айни матн таржимасида аслият прагматикасини сақлай олган.

В.Текстон бу матнни: «...each of its wings spans a fathom»<sup>1</sup> (Унинг катта танаси ва ҳар бир қанотининг қулочи денгиз саржиничадир) деб ўғиради. Ҳар учала таржимада ҳам «fathom» (денгиз саржинича) ўлчов бирлиги учрайди. Таржимонлар бу ўлчов бирликларини таржимада қайта тиклаш учун кўп изланишлар олиб борган. Ҳар бири ўз услугига асосланган ҳолда таржимани амалга оширган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўлчов бирликларини таржимада ифодаланишида ҳар бир таржимон ўз нуқтаи-назаридан таржимага ёндошганини гувоҳи бўламиз. Ўлчов бирликларини лингвокултурологик хусусиятлари шу миллатга, ҳалққа тушунарлы бўлиши ва миллийлик жиҳатидан кўрсатиб берилгани таҳлил жиҳатидан кўришимиз мумкин.

Аммо таржимонларнинг миллий тафаккуримиз, тилимиз, маданий осори атиқаларимиз мөхиятини тўла ўрганмаганлари баъзи таржима матнларида яққол кўриниб қолган. Бу жиҳат «қулоч», «эн», «камон ўқини охиригача тортиб отиш» сингари ўлчов ва куч бирликларини тўғри англамасликда кўринади.

Эсанов Алижон Менгбаевич (Термиз Давлат университети

Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси, [alijon.tersu@mail.ru](mailto:alijon.tersu@mail.ru))

## ЎЗБЕК БОЛАЛАР ТАҚВИМ ПОЭЗИЯСИДА “Ё, РАМАЗОН” ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада “Ё, рамазон” қўшиқларининг ўзбек фольклоршунослигида ўрганилиши, янги ёзib олинган қўшиқларнинг хусусиятлари қиёсий аспектда ёритиб берилган. Унда “Ё, рамазон” қўшиқларининг географик ҳудуд нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим хуносаларга олиб келиши ўз исботини топган.

**Аннотация.** В данной статье в сравнительном аспекте рассматриваются особенности изучения песен «Ё, Рамадан» в узбекском фольклоре, также специфика вновь записанных песен. Подтверждается, что изучение песен «Ё, Рамадан» с точки зрения географическо-территориальной соотнесенности приводит к важным выводам.

**Annotation.** This article describes the study of «Yo, Ramadan» songs in Uzbek folklore, the features of the newly recorded songs in a comparative aspect. It has been proved that the study of the songs «Yo, Ramadan» from the point of view of geographical area leads to important conclusions.

**Калим сўзлар:** қўшиқ, поэзия, вариант, фольклор, мотив, ҳалқ.

**Ключевые слова:** песня, поэзия, вариант, фольклор, мотив, народ.

**Key words:** song, poetry, variant, folklore, motive, folk.

Халқ оғзаки бадиий ижоди миллатнинг тараққиётини таъминловчи энг муҳим маънавий қадриятлардан бири. Халқимиз бадиий даҳосининг ўзига хослигини намоён этувчи фольклор асрлари силсиласида аждодларимиз томонидан яратилган урф-одатлар, расм-русумлар, йилнинг турли фаслларида ўтказиладиган мавсумий маросимлар ва анъаналар ҳам муҳим ўрин тутади.

Қадимий маросим, урф-одат ва байрамларимиз билан боғлиқ фольклор намуналари асрлар давомида сақланиб, такомиллашиб келганлигининг сабаби шундаки, улар аждодларимизнинг табиий ҳаётий эҳтиёжлари заминида муайян ижтимоий воқелик ифодаси сифатида пайдо бўлган. Шу боисдан ҳам ўзбек маросим фольклорини ўрганиш ҳалқимизнинг миллий ўзига хослиги, бадиий тафаккур қамровининг кенглиги ҳақида муайян хуносалар чиқариш имконини беради.

Ана шундай тақвим фольклори жанрларидан бири «Ё, рамазон» мавсумий маросим қўшиқлари бўлиб, нисбатан кенг тарқалганлиги ҳамда бугунги кунга қадар ўзининг ижро ўрни ва ҳаётимиший функциясини сақлаб келганлиги билан ўзига хослик касб этади.

Ўзбек фольклоршуносларидан М.Алавия, О.Сафаров, М.Жўраев, М.Пирматова, З.Қаюмовлар томонидан «Ё, рамазон» қўшиқларини тўплаб нашр этиш, тадқиқ қилиш борасида маълум ишлар амалга оширилган.

<sup>1</sup> The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor, Translated, Edited, and, Annotated by Wheeler M., Thackston. New York & Oxford, 1996, p. 340.

М.Жўраев ўзи ёзиг олган «Ё, рамазон» қўшиқларининг бир нечта вариантини вақтли матбуутда оммалаштирган. Р.Мустафоқулов Сурхон воҳасидан ёзиг олинган «Ё, рамазон» қўшиқларини нашр этган бўлса, фольклор тўпловчи С.Жуманиёзов Хоразм воҳаси болалари репертуарида қайд этилган «Ё, рамазон» намуналарини чоп қилдирган. Шунингдек, бундай қўшиқларнинг айrim на-муналари Ҳабибула Ғафур, Г.Мардонова каби журналистлар томонидан тайёрланган фольклор тўпламларига ҳам киритилган. 2001 йилда «Ё, рамазон» қўшиқларидан тузилган биринчи фольклор тўплами М.Жўраев, Ш.Шомусаровлар томонидан нашрга тайёрланиб, нашр эттирилганлиги ҳақида М.Пирматова номзодлик диссертациясида қайд этиб ўтган.<sup>1</sup>

Фольклоршунос Охунжон Сафаров “Ё, рамазон”, даставал, диний характердаги қўшиқ си-расида пайдо бўлган ва узок асрлар давомида шаклланиб, хилма-хил варианларда тарқалиб, куйланиб келганини, анча қадимги ҳисобланган варианларда диний мотивларнинг сақланиб қолганлигини таъкидлайди.

*Рабимон айтиб келдик эшингизга,  
Худойим ўғил берсин бешигингизга.  
Худойим берган ўғил мулло бўлсин,  
Отининг эгарлари тилло бўлсин.  
Маккада бир тол бор-боши қора,  
Худойим ўғил берсин қоши қора.  
Маккада бир тол бор-пулдаккина.  
Худойим ўғил берсин гулдаккина.<sup>2</sup>*

Музайяна Алавиянинг ёзишича, гарчи «Ё, рамазон» қўшиқлари рамазонга бағишлиб айтилса ҳам, диний мотивлар бу қўшиқ учун характерли эмас. Фақат нақоратда «Мухаммад умматига, ё рамазон!» деб қўшиб қўйилади. Дин ва пайғамбарлар номи келадиган баъзи бир сатрларгина мавжуд деган фикрни илгари суради.<sup>3</sup>

Ўзбек халқ қўшиқлари юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борган М.Алавия «Ё, рамазон» қўшиқларда асосий ўринни уй эгаларининг сифати, яхшиликлари, сахийлиги ёки баҳиллиги, хонадондаги гўзал қиз-севгилини тавсифи тасвири эгаллайди. Шунинг учун ҳам улар барча қўшиқлардай бадиий содда, тили равон» деб таъкидлайди.<sup>4</sup>

«Ё, рамазон» қўшиқлари мамлакатимизнинг барча вилоятларида кенг тарқалган бўлиб, ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодининг тақвими маросимлар фольклорига мансуб анъанавий жанрларидан биридир. Бу жанрга оид қўшиқларнинг ижро ўрни ва вақти рамазон ойида рўза тутилиши билан бевосита боғлангандир. Ана шу хусусият бу жанрга мансуб бадиий матнларнинг ўзига хос табиатини белгилайдиган етакчи хосса ҳисобланади.

Фольклоршунос олим Маматкул Жўраев “Ё, рамазон” қўшиқлари, одатда, рўза бошланиши билан орадан уч кун ўтгач, айтилишини, анъанага кўра, бу қўшиқлар факат ўғил болалар томонидан ижро этилишини, улар оқшом тушиши биланоқ, уйма-уй юришиб, ҳар бир ҳовли олдига борганда ўша уй соҳибларининг яхши сифатларини улуғловчи мисраларга бой анъанавий қўшиқларни айтишишини ҳамда рўза кунлари ана шундай қўшиқларни куйловчиларни *рамазончилар* ёки *райванчилар* деб юритилганлиги каби фикрларини нашр этган китобларида, мақолаларида келтириб ўтади.<sup>5</sup>

*Рўзани уч кун тутиб келдик сизга,  
Рўзанинг закотини беринг бизга*

сатрлари рамазон қўшиқларини айтишдан кўзда тутилган мақсадни белгилайди.

“Ё, рамазон” ўзбек халқининг анъанавий, эзгуликни тилаш мазмунидаги қўшиқларидан бўлиб, барча худудларда кенг тарқалган ва бугунги кунда ҳам зўр иштиёқ билан айтилиб келинмоқда. Бу қўшиқ, одатда, рўза тутилган куннинг учинчи кунида айтилган. Шунинг учун “Ё, рамазон” қўшиқларининг варианларida “Рўзани уч кун тутиб келдик сизга”, “Рўза уни билан қўй сўйибсиз”, “Ассалому алайкум, бизлар келдик”, “Рўзанинг уч кунини тутиб келдик” каби мисралари учрайди. Сурхондарё вилоятида ҳам “Ё, рамазон” қўшиғининг турли варианлари мавжуд бўлиб, бу вари-

<sup>1</sup> М.С.Пирматова. Ўзбек тақвими фольклори. Филол. фан. номз....дисс., Тошкент, 2008, 68-бет.

<sup>2</sup> О.Сафаров. “Ё, рамазон” қўшиқлари ҳақида. “Ўзбек тили ва адабиёти”, Тошкент, 1992, 2-сон, 24–25-бетлар.

<sup>3</sup> М.Алавия. Ўзбек халқ маросими қўшиқлари. Т., “Фан”, 1974, 130-бет.

<sup>4</sup> М.Жўраев, Ш.Шомусаров. Улуғ ойим удумлари. Т., “Мовароуннахр”, 2001, 8-бет.

<sup>5</sup> М.Жўраев. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. Т., “Фан”, 2008, 262–263-бетлар.

антлар ифода жиҳатидан қисман фарқланганлиги билан мазмун жиҳатдан бир-бирига мос келади. Чунки “Ё, рамазон” кўшиғи моҳиятан уй эгасининг сахилигини, ташриф буюрилган уйнинг бошқа хонадонга нисбатан бой кўринишини таърифлаш, мақташ мазмунидаги бўлади. Мақтов мазмунидаги матнларнинг вариантида мақтов мазмуни бир-бирига мос келса-да, ифода жиҳатидан фарқланнишини кўйидаги мисралар орқали кўришимиз мумкин:

*Шу уйнинг тенасида ой кўрдик,*

*Ҳаммадан ҳам шу уйни бой кўрдик, – дейилса, бошқа бир вариантда:*

*Уй устида ой кўрдик,*

*Бу уйни ҳаммасидан бой кўрдик, – дейилади.*

Фольклоршунос Р.Мустафокулов Чоршанби бахши Раҳматилла ўғлидан ёзиг олинган “Ё, рамазон” кўшиғининг айтилиш усулларини кўйидагича ифодалайди:

1. Кутлов (уй эгасига яхши тилаклар билдириш).

2. Даъват (уй эгасини яхши совғалар беришга даъват этиш).

3. Ҳажв (уй эгаси уйдан чиқавермаса, ҳажв сўзлар билан чақириш).

4. Тилак (уй эгаси совға-салом бергандан кейинги тилак сўзлар).

5. Дуо (уй эгасини дуо қилиш сўзлари).<sup>1</sup>

Сурхондарё вилоятида кўшиқнинг бошланиши, асосан, икки хил бўлиб, “Рамазон айтиб келдик эшигингизга” деб бошланувчи вариант кўп учрайди. Бу вариантда, кўпинча, хонадонга фарзанд тилаш истаги билдирилади. Иккинчи вариант “Ассалому алайкум, бизлар келдик” деб бошланувчи вариант бўлиб, бу вариантда рўзанинг уч кунини тутиб, пайғамбар йўлини излаб, кўргани, кўришгали келганлик тарзида ифодаланади. Ҳар иккала вариантда ҳам «Ё, рамазон» кўшиқларини айтувчилар уй эгаларининг олижаноблиги, меҳмондўстлиги ва серҳимматлилигини таъриф-тавсиф қилиб, уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, битмас-туганмас бойлик тилайди. Бу кўшиқларнинг хаётбахшлиги кўшиқларнинг оиласа фарзанд тилаш, оиласи таъриф-тавсиф қилиш, эзгу ниятларини изхор этиш, хонадонга тинчлик, осойишталик ва бойлик тилаш руҳида эканлигидадир.

Кўшиқлардаги яхши ниятлар хонадонларга фарзанд ва бойлик тилаш мазмунидаги бўлади. Инсон ҳаётининг яшаш тарзининг мухим қисмини ташкил этган қутлов, тилак, дуолар халқ кўшиқлари орасида “Ё, рамазон” кўшиқларида учраши бу кўшиқларнинг халқона эканлигини кўрсатади. Зоро, ўзбек халқи миллий маданиятида фарзандлилик асосий бойлик хисобланиб келинган. “Фарзандсиз уй мозор” ифодасининг ўзбек лингвомаданиятида мавжудлиги ҳам ўзбекона ақида билан боғлиқ. Қадимги ўзбек халқининг чорвачилик билан шуғулланиши, чорвага эгаликнинг асосий бойлиги эканлиги учун рамазон кўшиқларида бойлик тилаш чорванинг кўпайишига қарата ишлатилаган. “Кўшогингиз бошига, от чоптирса етмасин” мисралари ана шу бойликка ишорадир. “Кўшоқ” сўзи Сурхондарё шеваларида бир неча маъно ифодаласа-да, чорвага нисбатан ипга мунҷоч тизгандай ҳолатда улок-кўзиларни боғлаб қўйилишини ифодалайди. Кўшиқда эса ана шундай тизиб, боғлаб қўйилган улок-кўзиларнинг кўп бўлиши ифода этилади.

*Сўм-сўм тилла, сўм тилла,*

*Сувга солса ботмасин.*

*Худой берган кенг давлат,*

*Тепкиласа кетмасин.*

*Кўшогингиз бошига,*

*От чоптирса жетмасин,*

*Ё рамазон, май рамазон.<sup>2</sup>*

Фольклоршунос олим Маматқул Жўраев «Ё, рамазон» кўшиқларида аждодлар анъаналарига содик бўлиш, яъни «бурунгиларнинг қаъдасини қўймаслик», юксак одамийлик, ота-онани қадрлаш, уларнинг муборак хоки-пойини кўзга тўтиё қилиш ҳар бир комил фарзанднинг бурчи эканлиги ҳақидаги вариант келтириб ўтади:

*Дунёга келиб кетган пайғамбарми,*

*Отаси, онасидан тўйған борми?*

*Отангиз, онангизни азиз тутинг,*

*Ҳар босган изларингизни юзга суртинг*

мисралари рамазон айтишнинг мақсади қорин тўйдириш, бойлик тўплаш эмас, балки ота-боболар

<sup>1</sup> “ЗЎФА”. И nv. №1974/1. 1993 йилда Чоршанби бахши Раҳматилладан Р.Мустафокулов ёзиг олган.

<sup>2</sup> М.Жўраев, Ш.Шомусаров. Улуғ ойим удумлари. Т., “Мовароуннахр”, 2001, 66-бет.

томонидан бажарилиб келинаётган, халқнинг удумига айланган ишни бажариш эканлигини, ана шундай удумлардан бири ота-онани азиз тутиш, изларини кўзга суртиш эканлигини айтишдир. Бу рамазон қўшиқларининг тарбиявий аҳамиятга молик қўшиқлар эканлигидан далолатдир.<sup>1</sup>

Бу мисралар рамазон қўшиқларининг халқчиллигини, уларда ахлоқ-одоблилик ва маънавий-маърифий рух уфуриб турғанлигини кўрсатади. Қўшиқларга хос асосий хусусият хонадон соҳибларига яхшиликлар тилаш ва шу хонадонни бошқа хонадондан устун кўрганлигини ифодаланишидир. Шунинг учун рамазон қўшиқларида хонадон соҳибларига қўчкордай ўғил тилаш, уй атрофида ой кўриш кўп кўлланиладиган ифодалардир.

Тақвим фольклорининг “Ё, рамазон” қўшиқларини тўплаш жараёниди Сурхон воҳаси аҳолиси орасида ҳам “Ё, рамазон”, “Ё, раббиман”, “Май рамазон” каби номлар билан аталган вариантилари мавжудлиги ва бандлар, асосан, “Ё, рамазон”, “Ё, рамазон, рамазон”, “Ё, рамазон, ё рамазон”, “Ё, рамазон, майрамазон”, баъзан “Ё, рамазон, Мұхаммад ҳимматига бой рамазон”, “Оллоҳума ё рамазон, Оллоҳума ё рамазон” сатрлари билан тугаганлигига гувоҳ бўлдик.

Сурхон воҳасида ҳам “Ё, рамазон” қўшиғини олдинлари катта ёшдаги кишилар, ўсмирлар айтишганлигини, қўшиқ матнларида ҳазил-мутойиба мазмунидаги сатрлар орқали билиб олиш мумкин. Қўшиқ матнининг бундай тузилиши, маълум маънода, унинг бадиий сербўёклигини таъминлаш учун хизмат қилган.

*Бой бобом қўрадан қўй бераман дейди,  
Бойбича холам бўхчадан тўн бераман дейди.  
Оллоҳима ё, рамазон, Оллоҳима ё, рамазон,  
Бой бобом берган қўйнинг соги йўқ,  
Бойбича холам берган тўннинг белбоги йўқ.*<sup>2</sup>

Бундай ҳазил-мутойиба сатрлар рамазончиларнинг сўзга чечанлиги, топқирлигининг намунаси бўлиб, улар, одатда, ухлаб қолган, рамазончиларга берилиши лозим бўлган эҳсонларни кутиб қолишган ҳолатда ижро этилган.

*Манави уйнинг тўбараги чорбоггина,  
Ичидағи чечамиз оптоққина.  
Чечажон тезроқ чиқинг кутиб қолдик,  
Оппоқ нонлар олиб чиқинг юмшоққина.*<sup>3</sup>

Бу қўшиқларда ҳам анъанавий мақтов услуби сақланди ва шу усул асосида хонадон соҳибининг ҳурматига сазовор бўлинади, хонадон соҳиблари эса қилинаётган мақтовларга яраша ҳурматиззат кўрсатади. Уйидан ўз вактида чиқмаган хонадон соҳибларига қилинадиган ҳазил-хузиллар ёш билан ҳам боғлиқлигини қузатиш мумкин.

*Чол-у кампир ухлайди хурра-хурра,  
Супрасини им йиртади тирра-тирра.  
ёки:  
Моможон ётасизми хурра-хурра,*

Супрангизни итлар тортар тарра-тарра каби сатрлар рамазон қўшиғининг халқона қўшиқ эканлигини кўрсатиш билан бир қаторда, бадиий-тасвир воситасига бойлигининг намунасидир. Рамазон қўшиқларининг асосий қисмининг бадиий жиҳатдан мукаммаллиги, сайқалланганлиги, унинг анъанавийлиги билан, оғиздан-оғизга ўтиб жилолангандиги билан боғлик. Бу қўшиқларда бадиий бўёқдорликни таъминловчи турли лингвистик ва экстралингвистик воситалар мавжуд бўлиб, қўшиқларнинг бадиий-эстетик таъсирчанлигини таъминланишини уюштиради.

Сурхон воҳасида буғунги кунда рамазон қўшиқлари бутунлай болалар қўшиқларига айланган. Жойларда бу қўшиқлар болалар томондан рўза ойи бошланиши билан бир неча кун ва рўза охирларида ҳам ижро этилади. Болалар ҳам қўшиқнинг анъанавий вариантиларидан фойдаланади. Шу билан бир қаторда, янги шаклларнинг вужудга келаётганини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Кумкўрғон туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалласида яшовчи етти ёшли Асилбек Мусурмонқуловдан ёзib олинган рамазон қўшиғида анъанавий “Рамазон айтиб келдик” сатри билан бошланувчи матн қуидагича бошанади:

*Ёққанинг арча бўлсин,*

<sup>1</sup> Шу манба. 13-бет.

<sup>2</sup> Дала ёзувлари. 2018 йилда 1951 йилда тугилган Ибройим Чориевдан ёзив олинган.

<sup>3</sup> Дала ёзувлари. 2019 йилда 1949 йилда тугилган Гулноза Мисировадан ёзив олинган.

*Кийганинг парча бўлсин.*

*Ўчоқ тўла кул бўлсин,*

*Тевараги ул бўлсин,*

*Худой берган кенг давлат,*

Ўз-ўзидан мўл бўлсин каби сатрларнинг мавжудлиги рамазон кўшиқларининг болаларбоп янги вариантлари яратилаётганлигини кўрсатади. Матндаги “парча” сўзи шу номда аёллар кўйлаклиги учун пайдо бўлган матони ифодалайди. Шу номдаги матонинг якин ўтмишга хослиги кўшиқнинг яқинда яратилганлигини кўрсатади. Ўчоқ тўла кул хонадонда доим таом пишиб турилишини, бу таомлардан баҳраманд бўлувчи фарзандларнинг ҳам кўп бўлишининг тиланиши анъанавий услубга хосликнинг намунаси ҳисобланади.

Кўшиқ халқ руҳининг ифодачиси, халқ маданияти, маънавиятнинг ажралмас қисми сифатида халқ билан бирга яшайди. Бугунги кунда халқ миллий қадриятининг ифодачиси сифатида айтилаётган “Ё, рамазон” кўшиқларининг барҳаётлиги, севиб куйланиши ва янги вариантларнинг яратилиши кўшиқнинг туб моҳияти бўлган ўзбек халқининг миллий лингвомаданиятини тарғиб этилишидадир.

**Saidova Muxayyo Umedilloyevna (Buxoro davlat universiteti,**

**Ingliz tilshunosligi kafedrasini tayanch doktoranti, mukhayyo1981@mail.ru)**

**M.H.ABRAMSNING “ADABIYOTSHUNOSLIK TERMINLARI GLOSSARIysi”**

**LUG‘ATIDAGI ADABIYOTSHUNOSLIK TERMINLARINING MAVZUIY GURUHLARI**

**Annotatsiya.** *Ushbu maqolada adabiyotshunoslik terminlarining o‘rganganlik darajasi va ahamiyati to‘g‘risida to‘xtalib, M.Abramsning “Adabiyotshunoslik terminlari glossariysi” lug‘ati va un-dagi adabiyotshunoslik terminlarining mavzuiy guruhlari haqida ma’lumotlar berilgan.*

**Аннотация.** В данной статье рассматривается значимость литературных терминов, их классификация в словаре М.Абрамса «Глоссарий литературных терминов».

**Annotation.** This article discusses the importance and the significance of literary terms, their classification in the dictionary of M.H.Abrams “Glossary of literary terms”.

**Kalit so‘zlar:** poetika, proza, drama, lirik, epik, dramatik, ballada, novella, esse, epopeya, komediya, tragediya.

**Ключевые слова:** поэтика, проза, драма, лирический, эпический, драматический, баллада, новелла, эссе, эпопея, комедия, трагедия.

**Key words:** poetry, prose, drama, lyrical, epic, dramatic, ballad, short story, essay, epopee, comedy, tragedy.

Ingliz adabiyotshunoslik terminlari, dastlab, terminologiyaning bir kichkina bo‘limi sifatida o‘rganilgan bo‘lsa, keyinchalik, leksikografiya, ya’ni lug‘atshunoslik ilmi rivojlanishi bilan endi adabiyotshunoslik terminlari adabiyotshunoslikning asosiy va ahamiyatli qismiga aylandi va ko‘plab adabiyotshunos olimlar shu mavzuda ilmiy ishlarni amalga oshira boshladilar. Misol tariqasida M.H.Abrams ham, dastlab, o‘zining “The Norton anthology of English literature” asarini yaratish jarayonida inglizcha adabiyotshunoslik terminlari hali u qadar tizimlanmaganligini va jamiyat shunday ilmiy risolaga muhtoj ekanligini anglab yetadi va inglizcha adabiyotshunoslik terminlari ustida ish boshlaydi. To‘g‘ri, Abramsning lug‘atidagi adabiyotshunoslik terminlarining barchasi ham inglizcha emas, ularning orasida lotin tilidan (*hegemony*), yunon tilidan (*decorum*), italyan tilidan (*commedia dell’Arte, Conceit*) kirib kelgan terminlar ham uchraydi. Aynan shu terminlar ingliz ijodkorlari asarlarida uch-ragani sababli ham muallif ularning ham izohini keltirib o‘tishni afzal ko‘radi. Abramsdan oldin ham adabiyotshunoslik terminlari ustida ish olib brogan olimlar bo‘lgan, biroq ularning yaratgan lu‘gatlari to‘liq bo‘lmanligi va tizimlanmaganligi uchun ham bunday lug‘atlarga bo‘lgan ehtiyoj to‘la qondirilmagan. Terminologiyada adabiyotshunoslik terminlari katta o‘rinni egallaydi, shuning uchun ham ular ustida biror ilmiy ish qilish yoki tadqiqot o‘tkazish har doim ham osonlik bilan kechmaydi. Bu izlanuvchi tadqiqotchidan katta mas’uliyat va e’tibor talab etadi. Balki, inglizcha adabiyotshunoslik terminlarining to‘la o‘rganilmaganligining asosiy sabablaridan biri ham shudir.

XX asr ingliz terminologiyasida yuksalish asri bo‘ldi desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Chunki aynan shu asrda terminologiya sohasida qilingan tadqiqot va ilmiy izlanishlarda ijobiy natijalarga erishildi, jumladan, terminologiya bir nechta soha va bo‘limlarga ajratildi. Bularning orasida adabiyotshunoslik ter-